ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ш.Ж.ЮСУПОВА, А.АХУНЖОНОВ

В статье рассматриваются образовательно-педагогические преимущества внедрения информационно-коммуникационных технологий в процесс обучения.

The article deals with the educational-pedagogical advantages of using information-communicative technologies in the process of teaching.

Инсоният қандай даврда яшамасин, жамиятдаги ривожланиш ва ўзгаришлар ўша даврдаги таълим тизимига ўзига хос вазифалар юклаб келган. XXI асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамиятнинг барча соҳаларига замонавий юксак технологиялар кириб кела бошлади. Бу эса мамлакатимиз таълим тизимига ҳам ўзига хос талабларни қўймоқда. Ушбу талаблар таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масаласидир.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида: "Бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётганини исботлаб беришга ҳожат йўқ, албатта" [1], – дея таъкидлаган.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг ушбу билдирган фикрларидан хулоса қиладиган бўлсак, ахборот-коммуникация ва интернет асрида таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган ёш авлод вакиллари келажакда ўз ўрнини топишлари учун уларнинг жуда кучли билим ва салоҳият соҳибларига айланишлари зарур бўлади.

ПЕДАГОГИКА

Бугун мамлакатимизда таълим соҳасини янги сифат босқичига кўтариш бўйича барча шарт-шароитлар яратилган. Бас шундай экан, эндиликда ёш авлоднинг янада кучли билим ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши учун қўйилаётган талаблардан бири таълим тизимида педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида ўқув жараёнининг иштирокчилари бўлган ўқитувчи ва ўқувчи субъектлари ўртасида самарали ўқув муҳити яратишдан иборат. Шуни таъкидлаш керакки, фалсафанинг билиш назариясига кўра ҳам ўқитувчи ва ўқувчи субъектларининг фаоллиги таълимий контактнинг кучлилик даражасини оширади. Ҳар иккала субъектнинг фаоллиги эса таълим жараёнига янги технологияларнинг жорий қилинишида кўринади. Демак, бундан буён биз кутган самарадорликни таълим тизимидаги янги технологиялардан қидириш зарур.

Бунинг учун ўқитувчи томонидан педагогик ва ахборот маданиятига таянган ҳолда аниқ лойиҳаланган технологияларни таълим жараёнига жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи томонидан лойиҳаланган педагогик ва ахборот технологиялари ўқувчини ижодий фикрлашга, ташаббускорликка, ҳамкорликда масалалар ечимини топишга чорлайди. Бир сўз билан айтганда, ўқувчи ҳам таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади.

XXI аср таълим-тарбия тизимига янгича ёндашишни, хусусан, таълимга илғор педагогик технологиялар билан бирга ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни, яъни компьютер техникаси ва инсон омилини узвий бирлаштиришни талаб қилмоқда. Компьютер техникаси ҳозирда ўқувчилар учун ўқитувчи ва дарслик билан биргаликда асосий ахборот манбаи функциясини бажармоқда.

Таълим тизимига ахборот технологияларининг жорий қилиниши таълимда янги методларни қўллашда кенг имкониятлар яратади.

Таълим тизими олдига қўйилаётган вазифаларни амалга ошириш учун ахборот коммуникация технологиялари асосида ташкил қилинган ўқув жараёнида ўқитувчи, компьютер техникаси ва ўқувчи субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг концептуал модели қуйидагича:



Бундан кўриниб турибдики, таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга билим берувчи ягона манба эмас, тизимга ахборот технологияларининг жорий қилиниши натижасида ўқувчи машғулот давомида керакли билим олувчи янги таълим кишисига айланади. Бунда ўқувчининг билим олиш учун имкониятлари янада кенгаяди.

Биз бу билан ўқув машғулотларининг барчаси компьютер асосида ташкил қилиниши керак, деган фикрдан йироқмиз.

Маълумки, таълим жараёнида компьютер техникасининг ўрни ва истиқболлари ҳақида турли қарашлар мавжуд. Айрим мутахассислар таълим жараёнида компьютерларнинг роли шу қадар каттаки, келажакда электрон машиналар ўқитувчилар ўрнини тўлиқ эгаллайди ва уларнинг вазифаларини арзонроқ, пухтароқ ва самаралироқ бажаради, деган фикрларни билдирмоқдалар [2]. Иккинчи тоифа мутахассислар масалага кенгроқ қарайдилар. Жумладан, Н.Моисеев: “Ахборот жамиятига қадам қўйишни фақат электрон ва компьютер муҳандислигига боғлаб қўйиш тўғри эмас. Менимча, унинг тарих саҳнасига чиқишини жамоавий умумсайёравий ақл қарор топиши ва тамаддун янги сифат босқичига кўтарилиши билан боғлиқ ҳолда тушунган маъқул” [3] ,– дея таъкидлаган.

Биз ҳам Н.Моисеевнинг билдирган фикрлари тўғри деб ҳисоблаймиз. Хақиқатан ҳам бир қарашда компьютер техникаси таълим жараёни самарадорлигини оширишга ижобий таъсир қилади, бироқ ўқитувчининг ўқув машғулоти давомидаги ўрнини тўлиқ эгаллай олмайди. Чунки компьютер техникаси таълимнинг формал томонинигина бажаради. Ўқитувчи эса ўқув жараёнининг ноформал, ижодий, психологик ва бошқа томонларини тўлиқ амалга оширувчи бош омил ҳисобланади. Шунинг учун

ўқитувчининг ўқув жараёнида дарснинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб компьютер техникаларини қўллаши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таълим соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишда жамият томонидан қўйилаётган талаблар қуйидаги тамойил ва вазифаларни амалга ошириш натижасида кўринади:

- таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлай оладиган мутахассис кадрлар сафини кенгайтиришда;
- таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш таълим олувчи учун янги жамият талабларига жавоб бера оладиган шарт-шароит яратишида;
- ахборот технологияларини таълим тизимига жорий қилишда ўқувчиларнинг шахсий сифатларини шакллантирадиган, уларни юксак ахлоқ ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш каби инсонпарварлик фазилатларини рўёбга чиқариш талабларига жавоб бера оладиган методикаларни яратиш, бу бўйича ўқув-услубий материалларни тайёрлашда;
- таълим мазмунини янги сифат босқичига кўтаришда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш механизмини жорий қилиш бўйича ишлаб чиқилган режа ва дастурларни амалга оширишда.

Таълим тизимида юқорида белгиланган талабларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, яъни ўқув жараёнига ахборот коммуникация технологияларининг жорий қилиниши қуйидаги бир қатор факторларга ижобий таъсир кўрсатади:

Биринчидан, таълим тизимида дарс машғулотининг мақсади, мазмуни, методи, шакли, ўқувчиларнинг шахсий сифатлари такомиллашади.

Иккинчидан, таълим олувчиларнинг ўқув жараёнида билим олиш самарадорлиги ортади.

Учинчидан, таълим жараёнида компьютер техникаларидан фойдаланиш таълим сифатини ошириш билан бирга ўқувчининг атроф муҳит ва жамият билан тезроқ мослашишини таъминлайди.

Тўртинчидан , XXI асрда янги жамият талабларига мос таълим-тарбия тизими яратилади.

Соҳада юқоридаги факторларнинг таъминланиши таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширади, пировард натижада ёш авлоднинг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёнини тезлаштиради.

Адабиётлар:

1. Президент Ислом Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. // Маърифат.- 2012.- 18 февраль.
2. Султонов М. Илмнинг янги йўли. // Тафаккур.- 1996.- № 1.- Б.33
3. Моисеев Н. Ахборот жамияти: имконият ва воқелик. // Тафаккур.- № 2.-Б. 11

Андижон давлат университети,
Андижон ВПКҚТМОИ
2012 йил 21 майда қабул қилинган